

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ВАПАЕВ МУРОДЖОН ДУСУММАТОВИЧ

**ОРГАНИК ТЕЗЛАШТИРГИЧЛАР ВА УЛАР АСОСИДА ЭЛАСТОМЕР
КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ЯРАТИШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Вапаев Муроджон Дусумматович

Органик тезлаштиргичлар ва улар асосида
эластомер композицион материаллар олиш
технологиясини яратиш.....3

Вапаев Муроджон Дусумматович

Разработка технологии получения органических
ускорителей и композиционных эластомерных
материалов на их основе.....21

Vapaev Murodjon Dusummatovich

Development of the technology of obtaining
organic accelerants and composition elastomer
materials on the bases of them.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ВАПАЕВ МУРОДЖОН ДУСУММАТОВИЧ

**ОРГАНИК ТЕЗЛАШТИРГИЧЛАР ВА УЛАР АСОСИДА ЭЛАСТОМЕР
КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ЯРАТИШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Т432 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (ik.kimyo.nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Тешабаева Элмира Убайдуллаевна
техника фанлари доктори, доцент

Таджиходжаев Зокирходжа Абдусаттарович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Негматов Сайибжон Содиқович
техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
Республикаси ФА академиги

Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «28» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (82 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2019 йил «12» август куни тарқатилган.

(2019 йил «20» июль даги № 18 рақамли реестр баённомаси).

С.М.Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.С.Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Г. Раҳмонбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда эластомер композициялари ва улар асосида олинувчи буюмларни технологик, физик-механик ва динамик хоссаларини яхшилаш учун 120 дан ортиқ табиий, синтетик эластомерлар ва ингредиентлар қўлланилади. Эластомер композицияларини вулканлаш жараёнини тезлаштирувчи, шу билан бирга улар асосида олинadиган буюмларни физик-механик ва динамик хоссаларини олдиндан берилган талаб асосида структурасини шакллантирувчи универсал тезлаштиргичлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда табиий ва синтетик эластомерларни вулканлаш жараёнини тезлаштириш учун олтингугурт, азот, фосфор тутган органик моддаларни яратиш, улар асосида эластомер композициялар таркибига кирувчи ингредиентларни модификация қилиш ва ҳар хил шароитларда ишлатилувчи юқори мустаҳкамликка эга бўлган, органик кислоталар ва эритувчиларга, радиацияга, иссиққа, совуққа ва ишқаланишга чидамли резина-техника буюмлари олиш резина қоришмалари таркиби ва технологияларини яратиш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда охириги вақтда озик-овқат, кимё, автомобил саноатини ва қишлоқ хўжалик техникаларини резина-техника маҳсулотлари, транспартёр ленталари ва шиналар билан таъминлаш мақсадида «Ангрен резина-техника буюмлари» қўшма корхонасининг ишга туширишнинг, ишлаб чиқариш маҳсулотларини кўпайтириш, технологик жараёнини такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва миқдорини ошириш, хомашёни янги захираларини яратиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Бу борада эластомер композицияларини вулканлаш учун органик тезлаштиргичлар олиш технологияларини ва таркибларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 февралдаги ПФ-2298-сон «2015-2019 йилларга буюм ва материалларни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сон «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон фармони

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Органик тезлаштиргичлар ва улар асосида эластомер композицион материаллар олиш технологиясини яратиш бўйича Г.С.Кац, Дж.Краус, А.А.Донцов, Б.А.Догадкин, А.А.Берлин, Ф.Ф.Кошелев, А.Е.Корнев, А.М.Буканов, М.Л.Уральский, Б.Е.Гуль, Ю.С.Липатов, А.М.Смирнова, Ю.С.Зуев, В.М. Гончаров, П.В.Ракова, Л.Б.Коварская, А.Г.Шварц, Г.А.Сорокин, Н.Д.Захаров, Г.А.Блох, Д.Н.Мак-Келви, С.С.Негматов, А.Х.Юсупбеков, А.С.Ибадуллаев, Х.Э.Қодиров ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Бу борада эластомер композициялари асосида юқори мустаҳкамликга эга бўлган резина-техника буюмлари, резина-текстил, резина-метал материаллари ва шиналар олиш учун вулканлашни тезлаштирувчи органик моддалар, пластификаторлар, тўлдиргичлар, юмшатгичлар, фаолловчи моддалар, стабилизаторлар, ранг берувчи моддалар, модификаторлар ва улар асосида ҳар хил структурага эга бўлган эластомер композициялар таркиби ва олиш технологиялари жорий этилган.

Шу билан бирга композицион эластомер материалларни вулканлаш учун олтингугурт, азот ва фосфор сақлаган тезлаштиргичларни янги авлодини яратиш, улар асосида минерал тўлдиргичларни модификация қилиш, наноконпозициялар таркибини яратиш, модификаторлар олиш, махсус хоссага эга бўлган эластомер композициялари таркиби, олиш технологиясини ва улардан буюмлар олиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг А-12-41 «Энергия ва ресурсни тежашни таъминловчи маҳаллий ва иккиламчи хомашё ресурслари асосида иссиқликка ва коррозияга чидамли бўлган композицион материаллар олиш таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.), А-12-37 «Композицион эластомер материаллардан иккиламчи материаллар ва махсус хусусиятга эга бўлган резина-техник маҳсулотлар ҳамда улар асосида кабел олиш таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ҳамда ПЗ-201709286 «Маҳаллий хом-ашёлар асосида эластомерларни вулканловчи тезлаштиргичларни ва улар асосида эластомер композицияларини олиш технологияларини яратиш» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёлардан бутадиенстирол каучуклари асосидаги эластомер композициялари учун ингредиентлар яратиш

ва уларни қўллаб ҳар хил шароитларда ишлатилувчи резина-техника буюмлари таркиби ва олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нефть-газни қайта ишлаш саноати чиқиндилари асосида эластомер композициялари вулканлаш жараёни учун тезлаштиргичлар яратилган;

органик тезлаштиргичлар билан алюмо-силикат минерал тўлдиргичларни модификация қилиш технологияси ишлаб чиқилган;

тезлаштиргичлар ва модификация қилинган алюмо-силикат тўлдиргичлари билан бутадиенстирол каучуклар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи композицион эластомер материаллар таркиби тузилган;

тезлаштиргичлар ва модификация қилинган алюмо-силикат тўлдиргичларни бутадиенстирол каучуклар асосида олинган резина қоришмалари вулканланиш кинетикасига таъсири аниқланган;

тезлаштиргичлар ва модификация қилинган алюмо-силикат тўлдиргичларни бутадиенстирол каучуклар асосида олинган резина қоришмалари пласто-эластик, реологик ва технологик хоссаларига таъсири аниқланган;

тезлаштиргичлар ва модификация қилинган алюмо-силикат тўлдиргичларни бутадиенстирол каучуклар асосида олинган композицион эластомер материаллари физик-механик, динамик ва эксплуатацион хоссаларига таъсири исботланган;

ингредиентларни қўллаб ҳар хил шароитларда ишлатилувчи эластомер композицияси ва улар асосида қолипланувчи ва қолипланмайдиган резина-техника-текстил буюмлари ва шина олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг объекти нефть ва газ саноати чиқиндиси, Ангрен каолини, бутадиенстирол каучуклари ва улар асосида олинган эластомер композициялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети композицион эластомер материаллари асосида олинган резина-техника-текстил буюмлари ва уларни олиш технологиялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида физик-кимёвий (ИКС, ЯМР, ПМР), эластомер композициялари учун стандартлаштирилган физик-механик, кинематик, динамик ва экспериментларни режалаштириш ҳамда математик статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нефть-газни қайта ишлаш саноати чиқиндилари асосида эластомер композициялари вулканлаш жараёни учун тезлаштиргичлар яратилган;

органик тезлаштиргичлар билан алюмо-силикат минерал тўлдиргичларни модификация қилиш технологияси ишлаб чиқилган;

тезлаштиргичлар ва модификация қилинган алюмо-силикат тўлдиргичлари билан бутадиенстирол каучуклар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи композицион эластомер материаллар таркиби тузилган;

тезлаштиргичлар ва модификация қилинган алюмо-силикат тўлдиргичларни бутадиенстирол каучуклар асосида олинган резина қоришмалари вулканланиш кинетикасига таъсири аниқланган;

тезлаштиргичлар ва модификация қилинган алюмо-силикат тўлдиргичларни бутадиенстирол каучуклар асосида олинган резина қоришмалари пласто-эластик, реологик ва технологик хоссаларига таъсири аниқланган;

тезлаштиргичлар ва модификация қилинган алюмо-силикат тўлдиргичларни бутадиенстирол каучуклар асосида олинган композицион эластомер материаллари физик-механик, динамик ва эксплуатацион хоссаларига таъсири исботланган;

ингредиентларни қўллаб ҳар хил шароитларда ишлатилувчи эластомер композицияси ва улар асосида қолипланувчи ва қолипланмайдиган резина-техника-текстил буюмлари ва шина олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нефть-газни қайта ишлаш саноати чиқиндилари асосида эластомер композициялари вулканлаш жараёни учун тезлаштиргич сифатида ишлатиш мукинлиги ва улар асосида алюмо-силикат минерал тўлдиргичларни модификация қилиш усули яратилган;

яратилган тезлаштиргичлар ва модификация қилинган алюмо-силикат тўлдиргичлар билан ҳар хил шароитларда ишлатилувчи композицион эластомер материаллар таркиби яратилган ва уларни вулканланиш кинетикаси, пласто-эластик, реологик ва технологик, физик-механик, динамик ва эксплуатацион хоссалари аниқланган;

махаллий хомашёлар яратилган ингредиентлар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи қолипланувчи ва қолипланмайдиган резина-техника буюмлари учун эластомер композициялари олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти кимёвий, физик-кимёвий, технологик, физик-механик, техник ва стенд усуллари қўлланилганлиги, йириклаштирилган ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланганлиги, ҳамда яратилган ингредиентларни қўллаб композицион эластомер материаллар ва улар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи резина-техника-текстил буюмлари, шина ишлаб чиқариш таркиблари ва технологиялари яратилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нефть-газни қайта ишлаш саноати чиқиндилари ва улар асосида модификацияланган алюмо-силикат минерал тўлдиргичларини қўллаб мақсадли эластомер композицион материаллар ва берилган структура ва хусусиятларга эга бўлган резина-техника-текстил маҳсулотлари олиш таркиби ва технологиясини илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефть-газни қайта ишлаш саноати чиқиндилари ва улар асосида модификацияланган алюмо-силикат

минерал тўлдиргичларини қўллаб импорт ўрнини босадиган, рақобатбардош мақсадли эластомер композицион материаллар ва берилган структура ва хусусиятларга эга бўлган резина-техника-текестил махсулотлари олиш таркиби ва технологиялари ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Органик тезлаштиргичлар ва улар асосида эластомер композицион материаллар олиш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тезлаштиргичлар ва модификация қилинган алюмо-силикат тўлдиргичлар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи қолипланувчи ва қолипланмайдиган резина-техника-текестил буюмлари олиш технологик шартлари «Ўзкимёсаноат» АЖ низомининг 67-бандига асосан «Биринчи резинатехника заводи» МЧЖ томонидан тасдиқланган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2014 йил 16 октябрдаги 114-сон буйруғи). Натижада яратилган эластомер композициялари ва улар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи қолипланувчи ва қолипланмайдиган резина-техника-текестил буюмлари ишлаб чиқиш имконини берган;

нефть-газни қайта ишлаш саноати чиқиндиларидан эластомерларни вулканлаш жараёнини тезлаштирувчи ингредиент ва улар асосида модификацияланган алюмо-силикат минерал тўлдиргичлар олиш технологиялари «Кафолат резина» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 5 июндаги 01/3-2349/А-сон маълумотномаси). Натижада хориждан олиб келинадиган вулканлаш жараёни тезлаштиргичларини ва тўлдиргичлар миқдорини 33% камайтириш имконини берган;

тезлаштиргичлар ва модификация қилинган алюмо-силикат тўлдиргичлар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи қолипланувчи ва қолипланмайдиган резина-техника-текестил буюмлари олиш технологиялари «Тошкент резина» МЧЖ, «Эластомер пластик» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 5 июндаги 01/3-2349/А-сон маълумотномаси). Натижада қолипланувчи ва қолипланмайдиган резина-техника-текестил буюмлари ишлаб чиқариш миқдорини 40% ошириш ва тан нархини 22% камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 3 халқаро ва 14 республика илмий-техник анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда, 6 та мақола, шундан 3 та республика ва 3 та чет-эл журналларида нашр қилинган. Халқаро ва Республика илмий-амалий анжуманларда 17 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш,

бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эластомерларни вулканловчи органик ингредиентлар ва улар асосида композицион материаллар**» деб номланган биринчи бобида ҳозирда мавжуд бўлган эластомерларни вулканловчи органик моддалар ва улар асосида композицион материаллар ва резина-техника маҳсулотлари олиш технологик жараёнининг ҳолати ва ривожланиши тенденциялари таҳлил қилинган.

Тўлдирувчиларни модификация қилиш усуллари композиция ва резина-техника маҳсулотларини тайёрлашнинг технологик кўрсаткичларига таъсир қилувчи асосий омиллар келтирилган. Адабиётларнинг критик таҳлили ҳамда ингредиентлар ва композицион органик материаллар модификацияси жараёнининг замонавий ҳолатини ўрганиб чиқиш асосида, ҳозирда тўлдирилган композиция яратишда энг истиқболли йўналиш маҳаллий хомашёлар асосида кўп функцияли ингредиентлар излаш ва композицион материаллар ва улар асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маҳсулотлар олиш таркиби ва технологиясини яратиш экани аниқланилган.

Диссертациянинг «**Ингредиентларни физик-кимёвий хоссалари ва ўрганиш ва модификация қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида эластомер композицияларини тайёрлаш учун танланилган каучук ва ингредиентларни физик-кимёвий хоссалари. Каучукларни вулканлаш жараёнини тезлаштириш учун олинган ингредиентларни тузулиши, хоссалари ва уларни модификация қилиш усуллари келтирилган. Шу билан бирга яратилган органик тезлаштиргичлар билан Ангрен каолинини модификация қилиш ва уни бир вақтнинг ўзида каучуклар вулканлаш жараёни тезлаштирувчи, фаоллаштирувчи ва композицияси тўлдирувчиси сифатида ишлатиш мумкинлиги кўрсатилган.

Каучукларни вулканлаш жараёнини тезлаштиргич сифатида нефть ва газни нордон газлардан тозаловчи абсорбентлар-иккиламчи алканоламинлар танланилди. Табиий газларни нордон газлардан тозалаш учун (H_2S , CO_2) Республикамизда қуйидаги алканоламинлар ишлатилади (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики иккиламчи алканоламинларнинг физик-кимёвий хоссалари газларни таркибидаги нордон газларни абсорбция қилиши ҳисобига ўзгарган яъни қайнаш температураси ва қовушқоқлиги ошган, музлаш

температураси эса пасайган. Уни таркиби ўрганилганда табиий газ таркибидаги нордон газлардан (H_2S , CO_2 , CO ва уларнинг бирикмалари) ва тузлардан иборатлиги аниқланди. Иккиламчи алканолламинлар таркибидаги нордон газлар бирикмаларини инобатга олиб улар каучукларни вулканланиш жараёни тезлаштиргичлари этиб ишлатиш мумкинлиги учун ўрганиб чиқилди. Уларни ишлатишдан олдин таркибидаги сув чиқариб юборилди.

1-жадвал

Алканолламинлар иккиламчи алканолламинларнинг физик-кимёвий хоссалари

Алканолламин эритмалари	Концентрация		Қайнаш температураси (180 кПа), °С	Музлаш температураси, °С	Қовуш-қоқлиги 0 °С, 103 Па*с
	кмол/м ³	%			
МЭА	2,5	15	118	-5	1,0
ИМЭА	2,5	65	123	-11	1,6
ДЭА	2	21	118	-5	1,3
ИДЭА	2	71	124	-12	2,0
МДЭА	2	24	118	-6	1,06
ИМДЭА	2	74	126	-14	2,9


*МЭА-моноэтанолламин; ИМЭА-ишлатилган моноэтанолламин; ДЭА-диэтанолламин; ИДЭА-ишлатилган диэтанолламин; МДЭА-метилдиэтанолламин; ИМДЭА-ишлатилган метилдиэтанолламин.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики иккиламчи алканолламинларни бутадиен-стирол каучукларининг таркибига тезлаштиргич сифатида 3 оғирлик бирлигида кўшилганда вулканлаш кинетикасида вулканлаш жараёнининг бошланиши юқори тезликда бориши, вулканланиш вақти камайиши ва вулканланиш жараёнида ҳосил бўладиган боғларни зичлиги ошиши аниқланди (1-расм-3). Бу ҳолат иккиламчи алканолламинлар асосида кичик ва тезкор кам вақтда вулканлаш жараёни талаб этилувчи буюмларни олишга тавсия этилди.

Пахта ёғи чиқиндиси асосида олинган фосфорли алкиламид ёғ кислотасини каучукларни вулканланиши кинетикасига таъсири ўрганилди. Фосфорли алкиламид ёғ кислотасининг молекуляр массаси 1100-1200 га тенг. Уни таркибини инфро-қизил нурлар билан ўрганилганда 900, 1070, 1210, 1310 ва 1370 cm^{-1} ; 2360, 2930 ва 3300 cm^{-1} ютилиш чизиқлари мавжуд бўлиб $=CO$, $-N$, $\equiv P=O$, $=O$, $=N-N$ гуруҳларини борлигини кўрсатади.

Бу гуруҳлардан кўриниб турибдики фосфорли алкиламид ёғ кислотасини олтингугуртли вулканлаш системаларида тезлаштиргич сифатида ишлатиш мумкин. Фосфорли алкиламид ёғ кислотасини ҳар хил миқдорларини метилстирол каучуқини вулканланиши кинетикасига таъсири ўрганилди ва унинг миқдори ортиши билан вулканланиш жараёни бошланиш вақти ошиши аниқланди, бу эса катта ҳажмли ва ҳар хил нақишли резина-техника буюмлари ва шина олиш имкони яратилди (1-расм-2). Юқорида келтирилган маълумотларга асосан иккиламчи алканолламинлар каучукларни вулканлаш жараёнини бошланишини тезлатиш хоссасига эга, фосфорли алкиламид ёғ кислотаси эса секинлатиш хоссасига эга, шунинг учун ҳам иккаласини 1:1 нисбатда аралаштириб ишлатиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Аралаштириш жараёни 318-323К да 30 минутни ташкил этади. У ҳолатда коллоид система ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган аралашмани яъни модификацияланган ишлатилган алканолламин тезлаштиргични (МИА)ни каучукларни вулканланиш жараёни кинетикасига таъсири ўрганилди. Натижада олтингугурт асосида вулканловчи

системада резина қоришмаларини таркибига МИАни органик тезлаштиргич дифенилгуанидин (ДФГ) ўрнига қўшганда вулканланиш кинетикасида вулканланиш жараёни бошланиши тезлиги фосфорли алкиламид ёғ кислотасини қўшилганига нисбатан ошди ва иккиламчи алканоламинларни қўшилганига нисбатан камайди, демак яратилган МИА тезлаштиргичини олтингугурт билан вулканловчи системаларда ДФГ ўрнига тезлаштиргич сифатида ишлатиш мумкинлиги аниқланди (1-расм-4).



1-ДФГ; 2-ФАЖК; 3-ишлатилган алканоламинлар; 4-ФАЖК + ишлатилган алканоламинлар.

1-расм. СКМС-30 АРКМ-15 каучуки асосидаги резина қоришма-ларининг вулканланиш кинетикасига тезлаштиргичлар таъсири.

Маълумки таркибида металл оксидлари бўлган алюмосиликат минерал тўлдиргичлар резина қоришмаларида вулканлаш жараёнини фаолловчи ингредиент сифатида ишлатилиши мумкин. Шу асосда Ангрен каолинининг кимёвий таркиби ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

Ангрен каолинининг кимёвий таркиби

Кўрсатгичлар	SiO ₂	Al ₂ O ₃	TiO ₂	CaO	MgO	FeO	Fe ₂ O ₃	SO ₃	Cl ⁻	SO ₄ ⁻	Сувда эрувчи тузлар	Намлик, %
Миқдори, %	51,20	43,40	0,60	0,21	0,30	1,2	1,02	0,21	0,01	0,05	0,10	1,7

Жадвалдан кўриниб турибдики тозаланган Ангрен каолини асосан SiO₂, Al₂O₃, TiO₂, CaO, MgO, Fe₂O₃ ва FeO ларидан ташкил топган бўлиб, унинг умумий формуласи Al₂O₃·2SiO₂·2H₂O. Ангрен каолини таркибидаги метал оксидлари борлиги учун бир вақтнинг ўзида фаолловчи модда ҳамда тўлдиргич сифатида ишлатиш мумкин (3-жадвал).


3-жадвал

СКМС-30 АРКМ-15 каучуки асосидаги стандарт резина қоришмасининг физик-механик хоссаларига 40 оғирлик бирлиги минерал тўлдиргичлар таъсири

№	Кўрсатгичлар	40 оғир.б. ЕК+5 оғир.б. ZnO	40 оғир.б. АК+5 оғир.б. ZnO	40 оғир.б. АК
1.	Узулишдаги мустаҳкамлик, МПа	9,6	10,2	9,1
2.	Чўзилишдаги узулиш, мм	340	360	380
3.	Узулишдаги қолдиқ, мм	20	20	22
4.	Йиртилишдаги мустаҳкамлик, МПа	0,8	0,7	0,7
5.	Иссиқликдан эскириш коэффициенти, 100 °С, 72 соат, нисб.бир.	0,6	0,4	0,2

Жадвалдан кўриниб турибдики Ангрен каолинини 40 оғир.б. ва ZnO 5 оғир.б. да 100 оғир.б. СКМС-30 АРКМ-15 каучукига Еленин каолинининг

Ўрнига қўшганда вулканизатнинг физик-механик хоссалари 10-15%га юқори, аммо иссиқлик таъсирида вулканизатни эскириш (100 °С 72 соатда) 0,4 ташкил қилди, бу кўрсаткич Еленин каолиннида эса 0,6ни ташкил этади. Ўрганишлар шуни кўрсатдики резина қоришмаси таркибига вулканлаш жараёнини фаолловчи модда ZnO қўшилмаган ҳолатда Ангрен каолинини қўшганда эскириши тезлашиши (0,2) унинг таркибидаги темир оксидларини талабга нисбатан (0,3%гача) кўплиги эканлиги аниқланди.



2-расм. СКМС-30 АРКМ-15 асосидаги резина қоришмаси вулканланиш жараёнига ингредиентлар таъсири.

Ангрен каолинини эластомер композицияларида ишлатиш учун икки хил усулни қўллаш мумкин: биринчидан унинг таркибидаги метал оксидларини ГОСТ талабигаъа камайтириши (0,3%гача), аммо бунинг технологияси ҳозирча йўқ, чунки АК таркибидаги метал оксидларини 1,02%ини FeO ташкил этади, уни ҳозир мавжуд технологиялар билан тозалашни имкони йўқ, чунки FeO магнитланмайди; шунинг учун ҳам биз Ангрен каолинини кимёвий модификация қилиш усулини қўладик, уни модификацияланган иккиламчи алканолламинлар билан 5-10-15 оғир.б. қўшиб модификация қилинди ва резина қоришмаси вулканлаш жараёнига, технологик ва физик-механик хоссаларига таъсири ўрганилди. Стандарт резина қоришмаси таркибидан вулканлаш жараёнини фаолловчи ва тезлаштирувчи ҳамда тўлдиргичлар чиқариб ташланди ва уларни ўрнига модификация қилинган Ангрен каолини қўшилди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики модификация қилинган Ангрен каолинини 100 оғир.б. каучукка 40 оғир.б. қўшилганда вулканланиш кинетикасида вулканлаш жараёни бошланиши, вақти ва тўрларини зичлиги бўйича СКМС-30 АРКМ-15 каучуки стандарт таркибига тўғри келади (2-расм).

4-жадвал

СКМС-30 АРКМ-15 каучуки асосидаги резинанинг физик-механик хоссаларига модификацияланган Ангрен каолинининг таъсири

№	Кўрсаткичлар	Стандарт таркиб	40 оғир.б. АК	40 оғир.б. МАК
1.	Узулишдаги мустаҳкамлик, МПа	9,6	9,1	11,4
2.	Чўзилишдаги узулиш, мм	340	380	320
3.	Узулишдаги қолдиқ, мм	20	22	18
4.	Иссиқликдан эскириш коэффициенти, 100 °С, 72 соат, нисб.бир.	0,4	0,2	0,8

Уни технологик ва физик-механик хоссаларини ўрганиш натижасида шуни аниқландики иссиқлик натижасида эскириш стандарт таркиб талабларига жавоб беради (4-жадвал).

Демак Ангрен каолинини 10 оғир.б. модификацияланган иккиламчи алканолламинлар билан модификация қилинганда унинг таркибидаги темир оксидлари билан комплекс ҳосил қилиб вулканизатларни иссиқлик таъсирида эскиришига таъсир этмаслиги кўрсатилди ва модификация қилинган каолинни бир вақтнинг ўзида резина қоришмалари вулканлаш жараёнини фаолловчи, тезлаштирувчи ва тўлдирувчи сифатида ишлатиш мумкинлиги изоҳланди.

Диссертациянинг «**Эластомер композицияларни технологик хоссаларига модификацияланган Ангрен каолинини таъсирини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида модификацияланган Ангрен каолини билан тўлдирилган композицион эластомер материаллар вулканлаш кинетикаси, пласто-эластик ва технологик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Модификацияланган Ангрен каолинини фаолловчи, тезлаштирувчи ва минерал тўлдиргич ўрнига қўшганимизда вулканлаш жараёнида бутадиен-стирол каучуки макромолекулалари билан олтингугурт бирикиши кинетикаси етарли даражада интенсив ўтади. Бунда модификацияланган Ангрен каолини заррачалари юзасида максимал ютилишига ҳамда олтингугурт атомлари билан метал оксидлари ва тезлаштиргич малекулалари тенг тақсимланиши ва ўзаро учрашиши натижасида янада мустаҳкам вулканланиш структуралари ҳосил бўлишига таъсир кўрсатиши аниқланди. Мазкур эффект кўрсатаптики модификацияланган Ангрен каолини каучукларда вулканланиш структураси ҳосил бўлиш жараёнини нафақат фаоллаштириши, балки тезлаштиришга ва вулканланиш тўрини композиция таркибида бир хил тақсимланишига олиб келади.

Модификацияланган Ангрен каолинининг каучукларни вулканлаш жараёнини фаоллаштирувчи, тезлаштирувчи моддалар ва тўлдиргичларни алоҳида қўлланилишига нисбатан устунлиги, шундан иборатки, вулканлаш жараёни юқори хароратда ўтказилганда эластомер композициясининг вулканланиш кинетикасига яхши таъсир кўрсатишидир. Масалан, вулканлаш жараёни харорати 413 К дан 433 К га оширилганда нафақат реверсия беради, балки вулканланиш жараёни оптимумини оширишига ва вулканланиш тўрини қўйилган талаб асосида шакиллантиришга олиб келади. Вулканловчи гуруҳлар (олтингугурт, фаолловчи ва тезлаштирувчи) ва тўлдирувчиларнинг асосий хусусиятларидан бири, уларнинг олинган маҳсулотларни вулканиш структураси ҳамда физик-механик ва эксплуатацион хоссаларига таъсиридир. Бу борада, модификацияланган Ангрен каолинининг эластомер композицияларини вулканлаш жараёнида ҳосил бўлган боғларнинг турларига, табиатига ва кўндаланг боғларнинг сонига таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, у асосда вулканланган композиция структурасида мустаҳкамликга жавоб берувчи боғларнинг ҳажим бўйича тенг тақсимланиши ва энергия фаоллиги бир-бирига яқин бўлишлиги аниқланди. Натижада вулканизатнинг иссиқликдан эскириш коэффициентининг кўрсаткичлари юқори эканлиги исботланди (5-жадвал).

Эластомерлар таркибига модификацияланган Ангрен каолинини киритилганда макромолекулаларининг чоклаш тезлиги бўйича модификация

қилинмаган Ангрен каолинига нисбатан бирмунча фаолроқдир, бу чоклаш даражасининг ортиши ва кўндаланг боғларнинг сульфидлигини камайиши билан кўрсатилди.

5-жадвал

СКМС-30АРКМ-15 каучуки асосидаги резинада ҳосил бўладиган боғларга ва хоссаларига ингредиентлар таъсири. (Вулканлаш вақти 40 минут 416К да, эскириш 373К, 72соатда).


Номланиши	Ҳосил бўлган боғлар, %				F _p , МПа	K _T , ус. ед.
	-C-S _x -C-	-C-S-S-C-	-C-S-C-	-C-C-		
Стандарт таркиб	32	34	24	10	11,2	0,66
АК билан тўлдирилган таркиб	36	29	25	10	8,6	0,51
МАК билан тўлдирилган таркиб	29	25	24	22	12,1	0,88

Вулканизатлар золь-гель фракцияларини ўрганиш натижасида модификацияланган Ангрен каолини билан тўлдирилганда бошқа модификацияланмаган минерал тўлдиргичларга (Еленин каолини, талк) нисбатан эскириш жараёнининг интенсивлиги камайиши ва вулканланиш тўр фаол занжирлари улушининг ортиши танланилган модификатор ва тўлдирувчининг структура ва кимёвий хоссаларига боғлиқлиги деб хулоса қилиш мумкин. Шу билан бирга газларни тозалашда ишлатилган иккиламчи алканолламинлар ва фосфорли алкиламид ёғ кислотаси асосида олинган модификатор фараз қилиш мумкинки, термо-фото кимёвий жараёнларнинг ингибирланишида донор-акцептор боғлар билан ўзаро таъсирлашиш натижасида композицион эластомер материалларининг структураси ва хоссалари шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Модификацияланган Ангрен каолини билан тўлдирилган вулканизатларнинг иссиқлик таъсирида эскириши ўрганилганда, эскириш вақти давомийлигининг ортиши билан неозони-Д стабилизатори ёрдамида стабилизацияланган наъмуналарга нисбатан композитларнинг нисбий узунлиги бирмунча камайиши қаттиқлиги ошиши кузатилди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики иссиқлик таъсири жараёнида иккиламчи алканолламинлар ва фосфорли алкиламид ёғ кислотаси таркибидаги олтингугурт ва азот боғлаган бирикмалар вулканизат таркибида қўшимча структуралар ҳосил бўлишига сабаб бўлади ва бунинг натижасида композитларнинг зичлиги ошади ҳамда нисбий чўзилиш қиймати камайишига олиб келади.

Модификацияланган Ангрен каолинини эластомер композицияларини пласто-эластиклик хоссаларига таъсирини ўрганиш учун бутадиенстирол каучуки асосида стандарт таркиблар яратилди. Стандарт таркибдан тадқиқот натижаларига кўра каучукларни вулканлаш жараёнини фаолловчи ва тезлаштирувчи моддалар, техник углерод чиқарилди. Улар фақат таққослаш учун ишлатилди. Маълумки, ингредиентларнинг физик-кимёвий хоссалари, структуравий тузилиши, таркиби ва миқдори эластомер композицияларининг асосий хоссаларини шакллантиради.


Бутадиенстирол каучуки ва модификацияланган Ангрен каолинини аралаштириш жараёни ўрганилганда, у ҳозирги вақтда ишлатилаётган Еленин каолинига нисбатан яхши аралашини, яни айланиш моменти ва тебраниш амплитудасининг пасайиши кузатилди (3-расм). Бу жараённи модификатор тўлдиргич заррачалари учун бир вақтни ўзида аппрет ролини ўйнаши ва натижада композиция таркибидаги ингредиентлар заррачалари тақсимооти яхшиланганлиги ва бир жинсли композиция олинганлиги билан изохлади.



(—) - стандарт қоришма, (---) - МАК билан тўлдирилган қоришма

3-расм. СКМС-30 АРКМ-15 каучуки асосидаги резина қоришмалари аралашини (1) ва юмшашини (2) тўлдиргич миқдorigа боғлиқлиги.

Маълумки эластомер композицияси таркибидаги тўлдирувчиларнинг каучукга нисбатан миқдори ортиши билан резинага куч таъсирида эзиш ёки чўзиш натижасида қайта тикланиши сезиларли даражада камаяди. Бунда тизимнинг эзиш ва чўзиш натижасида қаршилиқ ва қайта тикланиш энергиясини тўплаши қобилияти, яъни экструдат ($P_э$) бўкиши, маълум бир даражада модификацияланган Ангрен каолинини солиштирма геометрик юзасига ($S_{уд}$) боғлиқлиги билан изохлади.



(—) - стандарт таркиб, (---) - МАК билан тўлдирилган таркиб.

4-расм. СКМС-30 АРКМ-15 каучуки асосидаги резина қоришмалари пластиклиги (P) ва Муни бўйича ковушқоқлигининг (M4-373K) тўлдиргич миқдorigа боғлиқлиги.

Модификацияланган Ангрен каолини билан тўлдирилган эластомер композицияларини технологик хоссалари амалда ишлатилётган минерал тўлдиргичлар билан тўлдирилган композициялардан фарқ қилмайди. Аммо, уни эластомер композицияси таркибига каучукга нисбатан кўп миқдорда қўшилганда (100 оғир.б. каучукга 50 оғир.б.дан ортик) композициянинг технологик хоссалари ўзгаради (4-расм). Шунинг учун ҳам бу ҳолатни эластомер композицияларини технологик хоссаларини ростлаш учун ишлаб чиқаришда ишлатилувчи композицияни таркибини тузишда инобатга олиш зарур. Натижада модификацияланган Ангрен каолини асосида композицион эластомер материаллар учун вулканизация жараянини тезлаштирувчи, фаолловчи ва тўлдирувчи хусусиятга эга бўлган самарали ингредиент олиш мумкинлиги аниқланди, бу эса, ўз навбатида, резина қоришмаларини таёрлаш технологик жараянини қисқартириш ва вулканизацияларнинг структураси тузилишини ҳамда физик-механик хоссаларини мақсадли бошқариш имконини беради.

Диссертациянинг «**Тўлдирилган эластомер композицияларининг техник хоссаларини ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобда модификацияланган Ангрен каолинини бутадиенстриол каучуклари асосида олинган композитларнинг техник хоссаларига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Эластомер композитларини техник хоссаларини маълум йўналишга йўналтириш учун, уларни вулканизация тўри тузилишига таъсир қилиш зарурдир. Бу эса эластомер композициялари таркибига киритилувчи ингредиентларнинг хоссаларига ва структурасига боғлиқ.


Модификацияланган Ангрен каолинини бутадиенстриол каучуклари асосидаги эластомер композициялари таркибига қўшилганда 100-300% чўзилишдаги мустаҳкамлик модификация қилинмаган каолинга нисбатан ошиши аниқланди. Композит мустаҳкамлигини ошиши заррача юзасидаги олигомер қоплама каучук ва тўлдиргич орасида самарали боғлар ҳосил қилиши ва вулканизация жараянини тезлаштирувчи, фаолловчи моддаларнинг тўлдиргич билан бирга ҳажим бўйича тенг тақсимотини яхшиланиши билан асосланган.

Бу ҳолатни эластомер композицияларини йиртилишга бардошлиги бўйича ҳам кўриш мумкин (5-расм). Масалан: 100 оғир.б. бутадиенстриол каучукига 40-60 оғир.б. модификацияланган Ангрен каолини қўшилганда яқол кўринади ва 93,4 кН/мга тенг. Резинанинг сиқилиш ва чўзиш динамик хоссалари эса, яъни иссиқлик ҳосил бўлиши ва сиқилишдаги қолдиқ камаяди ва уларнинг юқори кўрсаткичи тўлдиргични 100 оғир.б. каучукга 40-60 оғир.б. қўшилганига тўғри келади

Демак модификацияланган Ангрен каолини билан тўлдирилган эластомер композицияларидан ҳар хил шароитларда ишлатилувчи резинатехника буюмлари олиш учун таклиф қилиш мақсадли ва истиқболдир. Маълумки, ишлаб чиқаришда ишлатилувчи эластомер композициялари кўп таркибли системадир. Улар кимёвий таркиби, фаоллиги, тузилиши билан бир-биридан фарқ қилувчи каучук ва ингредиентлардан тузилган. Шу сабабли яратилган

стандарт таркиблии модификацияланган Ангрен каолини билан тўлдирилган эластомер композициялари асосида ишлаб чиқаришда ишлатилувчи резина қоришмалари таркибини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган таркибларда модификацияланган Ангрен каолинини таъсири ўрганиш натижасида, уларнинг эксплуатацион хоссалари ҳозирги вақтда ишлатилаётган композициядан фарқ қилмаслиги



(—) - стандарт таркиб, (---) - МАК билан тўлдирилган таркиб.

5-расм. СКМС-30 АРКМ-15 каучуки асосидаги резинанинг йиртилишга чидамлилигига (P_a) тўлдиргич миқдорининг таъсири.

аниқланди ва ТР, ТУ, ГОСТ талабларига жавоб бериши исботланди, шу билан бирга резина қоришмаларини таёрлаш вақти қисқариши ва ингредиентларни композиция таркибидаги тақсимоти яхшиланиши кўрсатилди. Буюмларнинг эксплуатацион хоссалари эса 1,2-1,4 баробарга ошди (6-жадвал).

6 жадвал

Текстил ва металл каркасли буюмлар олиш технологик ва эксплуатацион хоссалари (Тўлдиргич миқдори 100 оғир.б. каучукка 16 оғир.б.)

Кўрсаткичларни номланиши	Композиция текстил материал билан		Композиция металл билан	
	Тўлдиргичлар			
	Стандарт таркиб	МАК	Стандарт таркиб	МАК
P, нисб бир.	0,35	0,40	0,40	0,40
f _p , МПа	9,2	11,6	3,6	4,3
E _{отн} , %	320	300	210	200
F _{изг} , %	8	7	4	5
P _a , кН/м	42	48	44	50
Ёпишкоклик (ВН-5006, куч 1,5), кг.	1,06	1,06	1,20	1,30
Адгезия мустаҳкамлиги, МПа	0,80	0,80	0,74	0,90

Резина қоришмаларини ишлаб чиқаришдаги таркибга модификацияланган Ангрен каолинини тўлдиргичи ўрнига ишлатилганда технологик ва физик-механик хоссалари бир биридан фарқ қилувчи резина-техника буюмлари олиш технологияли яратиш имконини берди, яъни каучук ва ингредиентларни модификацияланган Ангрен каолинини билан нисбатини

ўзгартириб юқори едирилишга чидамли буюмлар олиш мумкинлиги исботланди. Шундай қилиб ишлаб чиқаришда ишлатилувчи резина қоришмалар таркибидаги МАК тўлдиргичини 100% модификацияланган Ангрэн каолинини билан алмаштириш мумкин (7,8-жадвал).

7-жадвал

Клейлаш усули билан олинадиган резина буюмлари технологик ва эксплуатацион хоссалари (тўлдиргичнинг миқдори 10-350-16 оғир.б., Н-24-21 оғир.б., 4867-16 оғир.б. 100 оғир.б. каучукга нисбатан)

Кўрсаткичларнинг номланиши	10-350		Н-24		4867	
	Тўлдиргичлар					
	Стандарт таркиб	МАК	Стандарт таркиб	МАК	Стандарт таркиб	МАК
Пластиклиги, нисб.бир.	0,41	0,32	0,45	0,46	0,46	0,47
Ўпишқоклиги	0,84	0,90	0,81	0,84	0,79	0,82
Кольцевой модуль, 3/2	5,7	5,6	3,2	3,2	4,0	4,0
Физик-механик хоссаси:						
f_p , МПа	6,5	10,14	16,0	15,8	16,5	16,2
$E_{отн}$, %	250	260	550	560	500	500
$E_{ост}$, %	25	16	30	28	30	26
Ўиртилишга қарши, кН/м	18,8	20,2	21,0	23,2	20,7	21,5
Шору-А бўйича қаттиқлиги	64	65	72	69	55	60
Тешилиш бўйича эл. мустаҳкамлик, ом/м	$1,9 \cdot 10^6$	$1,2 \cdot 10^7$	$1,6 \cdot 10^6$	$2,4 \cdot 10^6$	$2,8 \cdot 10^6$	$3,8 \cdot 10^6$

8-жадвал

Қолипланувчи резина-техника махсулотлари олиш композити технологик ва эксплуатацион хоссалари (Тўлдиргичнинг миқдори 50 оғир.б., 100 оғир.б. каучукга нисбатан)

Кўрсаткичларнинг номланиши	10308		8313А	
	Тўлдиргичлар			
	Стандарт қоришма	МАК	Стандарт қоришма	МАК
Пластиклиги, нисб.бир.	0,36	0,34	0,41	0,42
Ўпишқоклик коэф., нисб.бир.	0,58	0,60	0,51	0,61
Кольцевой модуль, 3/2	3,8	3,5	2,9	3,2
f_p , МПа	13,4	14,0	13,1	13,7
$E_{отн}$, %	200	21,0	180	160
$E_{ост}$, %	6	4	4	4
K_t , 373 К, 72 соат.	0,89	0,90	0,65	0,72
Ўиртилишга қаршилиқ, кН/м	18,3	20,1	16,1	17,8
Шору-А бўйича қаттиқлик	59	60	45	48

Таклиф қилинаётган модификацияланган Ангрэн каолини билан тўлдирилган эластомер композициялари ва улар асосида олинган ҳар хил шароитларда ишлатилувчи резина-техника буюмлари корхоналарда ишлаб турган технологик жихозларни ўзгартирмасдан, яратилган технологик шартлар асосида олинди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Диссертация тадқиқоти натижалари 2017-2019 йиллар давомида «Ангренрезинотехника» ҚҚ, МЧЖ «Anbar», Тош РТИ, МЧЖ «Омад резина», МЧЖ «Rabba», МЧЖ «КАFOLAT REZINA» корхоналарида хориждан олиб келинаётган ЕК тўлдиргичи ўрнига қўлланилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Иккиламчи алканоламинлар, фосфорли алкиламид ёғ кислотаси ва модификация қилинган иккиламчи алканоламинларни бутадиестирол каучуклари учун вулканизация жароғи тезлаштирувчи ингредиент сифатида тавсия этилди.

2. Бутадиестирол каучукларида иккиламчи алканоламинлар вулканизация жароғи бошланиши вақтини камайтувчи, фосфорли алкиламид ёғ кислотаси вулканизация жароғи бошланиши вақтини оширувчи ва модификацияланган иккиламчи алканоламинлар вулканизация жароғи бошланиш ва тугаш вақтини тезлаштириши, вулканизация тўри зичлигини ошириши билан изохлади.

3. Модификация қилинган иккиламчи алканоламин билан модификацияланган Ангрен каолинини эластомер материалларида кўп функция ингредиент сифатида қўллаш ва композиция олиш технологияси тавсия этилди. Модификацияланган Ангрен каолини бир вақтнинг ўзида вулканизация жароғи тезлаштиргичи, фаолловчи модда ва резина қоришмалари тўлдиргичи вазифасини бажариб композицияда полифункционал хоссага эга эканлиги изохлади.

4. Яратилган кўп функцияли ингредиентнинг бутадиестирол каучуклари асосидаги резина қоришмалари пласто-эластик, реологик ва технологик хоссаларига таъсири аниқланган ва унинг таркибидаги модификатор ва метал оксидлари резина қоришмасида бир хил аралашганлиги учун фаол тақсимланган вулканизация тўри ҳосил бўлиши ва натижада резинанинг физик-механик хоссалари ошиши изохлади.

5. Ишлаб чиқариш рецептларида вулканизация жароғи тезлаштиргичи, фаолловчи моддаси ва тўлдиргичи ўрнига модификацияланган Ангрен каолини қўшилган композициядан олинган резина-техника буюмлари структураси ва физик-механик хоссалари стандарт таркибга яқинлиги изохлади.

6. Модификацияланган Ангрен каолини киритилган эластомер композициялар таркиби ва улар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи қолипчанган ва қолипчанмаган резина-техника буюмлари олиш технологиялари тавсия этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.27.06.2017.Т.04.01 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ВАПАЕВ МУРОДЖОН ДУСУММАТОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ОРГАНИЧЕСКИХ
УСКОРИТЕЛЕЙ И КОМПОЗИЦИОННЫХ ЭЛАСТОМЕРНЫХ
МАТЕРИАЛОВ НА ИХ ОСНОВЕ**

**02.00.14 – «Технология органических веществ и материалов на их основе»
02.00.07 – Химия и технология композиционных, лакокрасочных и резиновых
материалов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛАСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2019 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Т432

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziyo.net

**Научные
руководители:**

Тешабаева Элмира Убайдуллаевна
доктор технических наук, доцент

Таджиходжаев Зокирходжа Абдусаттарович
доктор технических наук, профессор

**Официальные
оппоненты:**

Негматов Сайибжон Содикович
доктор технических наук, профессор, академик АН РУз

Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «28» август 2019 г. в «10⁰⁰» часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@mail.ru.

Докторская диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института № 82, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «12» август 2019 года.
(протокол рассылки № 18 от 20.07.2019 г.).

С.М.Туробжонов
Председатель научного совета по присуждению учёной степени
доктора наук д.т.н., профессор

А.С.Ибадуллаев
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёной
степени доктора наук д.т.н., профессор

Г.Рахмонбердиев
Председатель научного семинара при научном совете по при-
суждению учёной степени доктора наук д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире для улучшения физико-механических и динамических свойств композиционных эластомерных материалов и изделий на их основе применяются более 120 наименований ингредиентов, натуральных и синтетических каучуков. Разработка универсального ускорителя процесса вулканизации композиционных эластомерных материалов для получения с заданной структурой, физико-механических и динамических свойств изделий на их основе, остается одной из актуальных задач.

В мире уделяется большое внимание по разработке серо-, азот-, фосфор-содержащих органических ускорителей вулканизации каучуков и модификации ингредиентов, а также состава и технологии получения резиновых смесей на их основе для получения кислото-, щелочно-, радиационно-, тепло-, морозостойких различных резинотехнических изделий с высокими технологическими показателями.

В последние годы в нашей республике для обеспечения пищевых, химических, автомобильных производств и сельскохозяйственной техники резинотехническими изделиями, транспортёрными лентами и шинами построена совместное предприятие завод «Ангрен резинотехнические изделия», для производства резинотехнических изделий на основе местного сырья, направленные на увеличение объемов производства, совершенствование технологических процессов, улучшение качества и увеличение количества производимых изделий, создание резервов нового сырья. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определена задача «создания технологий получения импорто-замещающей продукции из местного сырья и вторичных ресурсов»¹. В данном аспекте приобретает особое значение, в частности разработки состава и технологии получения универсальных вулканизирующих агентов композиционных эластомерных материалов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан ПП-2916 от 21 апреля 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию и развитию системы обращения с отходами на 2017-2021 годы», УП-2298 от 11 февраля 2015 года «О программе локализации производства готовой продукции, комплектующих изделий и материалов на 2015-2019 годы», УП-4891 от 6 апреля 2017 года «Критический анализ производства и состава товаров (работ, услуг), углублении локализации производств направленных на импортозамещение», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий VII. «Химическая технология и нанотехнология».

¹ «О Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». УП-4947 от 7 февраля 2017 года.

Степень изученности проблемы. Кац Г.С., Краус Дж., Донцов А.А., Догадкин Б.А., Берлин А.А., Кошелев Ф.Ф., Корнев А.Е., Буканов А.М., Уральский М.Л., Гуль Б.Е., Липатов Ю.С., Смирнова А.М., Зуев Ю.С., Гончаров В.М., Ракова П.В., Коварская Л.Б., Шварц А.Г., Сорокин Г.А., Захаров Н.Д., Блох Г.А., Мак-Келви Д.Н., Негматов С.С., Юсупбеков А.Х., Ибадуллаев А.С., Қодиров Х.Э. и другие вели научные исследование в области по разработке технологии получения органических ускорителей и композиционных эластомерных материалов.

Ими предложены органические ускорители вулканизации каучуков различной природы, активаторы, вулканизаторы, наполнители, пластификаторы, модификаторы, стабилизаторы, красители, мягчители для получение композиционных эластомерных материалов с высокими физико-механическими, динамическими и эксплуатационными свойствами.

Наряду с вышеизложенным, проводятся научно-исследовательские работы по разработке серо-, азот- и фосфорсодержащих ускорителей вулканизации и модифицированные наполнители с их применением для получения композиционных эластомерных материалов со специфическими свойствами, а также резино-технических изделий различного назначения.

